

Земство врачигри Григорий Иванович Овчинников ўттиз беш ёшларга борган озгин ва асабий киши бўлиб, ўртоқлари орасида ўзининг медитсина статистикаси бобидаги андак ишлари ва «маиший масала» деб аталган нарсага муккасидан кетганлиги билан машхур эди. Бир куни у эрталаб палаталарни обход кила бошлади. Врач оркасидан, одатдагидек унинг фелдшери, кексайиб колган, юзлари лўппи, мойланган сочлари силлик таралган, кулогига зирак таккан Михаил Захарович эргашиб борарди.

Доктор касалларни энди кўра бошлаган эдики, бемаъни бир нарса жуда шубхали бўлиб кўринди, масалан: фелдшернинг нимчаси кат-кат букланиб колган бўлиб, кайта-кайта тортиб, силаб кўйса хам, диккайиб тураверди. Унинг гижимланган сарочкаси хам шунака диккайиб тирарди; узун кора камзулида, чалворида ва хатто галстугининг у ер бу ерида ок пар кўриниб турарди... Чамаси фелдшер бугун кечаси ечинмасдан ётгану шундай туриб, жилеткасини тортиб-тортиб текислаб, галстугини тўгрилаб келаверган. Унинг харакатидан кийими сикиб турганга ўхшарди.

Доктор унга тикилиб разм солди-ю, ахволини тушунди. Фелдшер гандиракламас, саволларга равон жавоб берар, лекин унинг бадковок, карахт юзи, нурсиз кўзлари, бўйни ва кўлларининг калтираб туриши, кийимининг гижимлангани, хаммадан хам, зўр бериб ўзини тутиб туришга уриниши ва ўз ахволини яшириш учун килаётган харакатлари — унинг хозиргина ўрнидан турганидан, уйкуга тўймаган ва маст эканидан, кечадан буён маст эканидан дарак берарди... У ичкилик «жабрини» тортар, афтидан, килмишига жуда пушаймон эди.

Фелдшерни хуш кўрмайдиган ва бунинг учун сабаб топиб кўйган доктор: «кўриб турибман, сиз мастсиз!» демокчи бўлди-ю, бироқ фелдшернинг нимчаси, рўдапо камзули, сергўшт кулогига осилиб турган зираги жуда хунук кўриниб кетди-да, ўзини босиб олиб, хар качонгидай юмшок ва мулойимлик билан:

— Герасимга сут бердинглари? — деди.

— Бердик... — деб жавоб берди Михаил Захарич хам юмшоккина.

Доктор бемор Герасим билан гаплаша туриб харорат варакасига назар солди-ю, фигони чикиб кетди; кейин каттик гапириб юбормаслик учун нафасини ичига олиб турди, бироқ токати ток бўлиб, бўгилиб кетди ва дагаллик билан сўради:

— Нега харорати ёзилмай колди?

— Йўг-е, ёзилгандир! — деди мулойимгина килиб Михаил Захарич, лекин варакага кўз югуртириб, чиндан хам харорат ёзилмаганига ишонч хосил килгач, каловлаб, елкасини кишиб, мингиллади: — билмадим, буни халиги, Надежда Осиповка...

— Кеча кечкурунгиси хам ёзилмаган! — деб сўзида давом этди доктор. — Нукул пиянисталик килиш билан оворасиз, жин урсин сизни. Хозир хам ўлардай мастсиз! Надежда Осиповна кани?

Акушерка Надежда Осиповна палатада йўк, у хар куни эрталаб перевязка вактида катнашар эди. Доктор атрофига разм солган эди, палата йигиштирилмаган, хамма нарса чочилиб ётибди, лозим бўлган ишлардан биронтаси килинмаган, хамма нарса худди фелдшернинг жирканч нимчасидай ифлос эди; у устидаги ок фартугини шартта ечиб, бакириб, уришиб, туфлаб чикиб кетгудай бўлди-ю, лекин базўр ўзини босиб, обходни давом эттирди.

Доктор Герасимдан кейин, ўнг кўли бутун яллигланган касалга каради. Унга перевязка килиш керак эди. Доктор унинг олдидаги табуреткага ўтириб, кўлини кўра бошлади.

«Мана шу, булар кеча именинада маишат килишган... — деб ўйлади у секин ўровни оча туриб. — Тўхтаб туринглар, имениналарингни чиқариб кўяман! Зотан мен нима хам кила олардим? Кўлимдан ҳеч нарса келмайди».

Доктор кип-кизил, бўртиб ётган кўлнинг йиринглаган ерини босиб кўриб:  
— Скалпел!\* — деди.

Ўзини бардам ва бемалол ишга ярайдиган холатда килиб кўрсатишга уринаётган Михаил Захарич ирғиб ўрнидан туриб, дарров скалпелни узатди.

— Буни эмас! Янгисидан олиб беринг, — деди дождор. Фелдшер йўргалаб бориб, перевязка анжомлари солинган яшиқ турган стулни титкилаб колди. У, касал боқувчи аёл билан алланималар деб шивир-шивир килди, стулдаги яшиқни хали у ёкка, хали бу ёкка сурди, нарсаларини шитирлатди, икки марта ниманидир тушириб юборди. Доктор эса караб ўтирарди, шивир-шивир ва шакир-шуқурдан асаби каттик кўзгалиб кетганини сезиб турарди.

— Кани? — деб сўради у. — Пастда крлдириб чиккандирсиз...

Фелдшер югуриб докторнинг олдига келди-да, иккита скалпел узатаркан, ўзини четга олмай, докторга караб дам урди.

— Булар эмас! — деди доктор асабийлашиб. — Мен сизга рус тилида гапиряпман, янгисидан беринг. Ха, боринг, бир ухлаб, ўзингизга келиб олинг, сиздан ковоқхона хиди келяпти! Эсингизни еб кўйибсиз!

— Сизга яна канака пичок керак? — деб сўради фелдшер асабий бир холда ва секин елкасини кисиб кўйди.

Унга бутун касаллар ва касал боқувчи аёллар тикилиб тургани алам килди ва уялиб кетди, ўзининг уялганини билдирмаслик учун зўрма-зўраки кулиб туриб, яна такрорлади:

— Сизга яна канака пичок керак?

Докторнинг кўзлари ёшланиб, бармоқлари титраб кетди. У ўзини базўр тутиб, титрок овоз билан сўзлади:

— Боринг, бир ухлаб олинг! Мен маст одам билан гаплашишни истамайман...

— Сиз мени иш юзасида жазолашингиз мумкин, — деди фелдшер, — хўш, мен, айтайлик, башарти ичган бўлсам, буни писанда килишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Ахир мен ишляпманми? Сизга яна нима керак! Ишляпманми, ахир?

Доктор ирғиб турди-да, ўйламай-нетмай кучининг борица кулочкашлаб фелдшернинг башарасига тушириб колди. У, нима учун шундай килаётганини ўзи тушунмас, лекин мушти бориб худди башарага теккани, ва туппа-тузук, басавлат, бола-чакали, такводор, ўз кадрили биладиган бир одам гандираклаб, коптокдай сакраб бориб табуретда ўтириб колганидан жуда хузур килди. У астойдил, яна бир марта урмоқчи эди-ю, лекин, жирканч вужуд каршисида ранги қув ўчиб кўркиб ўтирган касал боқувчи аёлни кўриб, бу хузуридан кечди ва кўл силкиб, палатадан югуриб чикиб кетди.

Ховлида унга Надежда Осиповна дуч келиб колди; йигирма етти ёшларга борган, ок сарикдан келган, сочлари пахмоқ бу киз касалхонага келаётган эди. Пушти ранг чит кўйлагининг этаги жуда тор бўлганидан кадамини жуда майда босарди. У кўйлагини шилдиратиб, худди ичида бир шўхчан кўшиқни куйлаб кетаётгандай хар кадам босганида кифтини кокиб, бошини чайкарди.

«Аха, Русалка!» деб кўйди доктор ичида; касалхонадагилар бу акушеркага шу лақабни кўйиб олишганди. Мана хозир ўзига зеб берган бу бедана кадам олифтани узиб оламан, деб хурсанд бўлиб кетди.

Доктор унинг ёнига бориш билан:

— Каёкда йўқолиб юрибсиз? — деб бакирди. — Нега касалхонада кўринмайсиз? Харорат ёзилмаган, хамма ёк бетартиб, фелдшер маст, ўзингиз соат ўн иккигача ухлаб ётибсиз!.. Мархамат килиб жойингизни топинг! Энди сизга бу ерда иш йўк!

Доктор уйга келиши билан устидаги ок фартукни ва белбог килиб олган сочикни жахл билан юлиб олиб, бурчакка улоктирди-да, кабинетда у ёкдан бу ёкка юра бошлади.

— Е тавба, булар канака одамлар ўзи-а, канака одамлар! — деб кўярди у. — Булар ёрдамчи эмас, ишбузармонлар! Энди ишга дармон колмади! Токат тугади! Бу ердан кетаман!

Унинг юраги дукиллар, бутун вужуди калтирар, ўпкаси тўлиб, хатто йиглагиси келарди, яна шу холатдан кутулиш учун у фелдшерни уриб жуда яхши иш килганини ва бунда тамом хакли эканини ўйлаб, ўзига-ўзи тасалли бера бошлади. Хаммадан хунуги шуки, деб ўйларди доктор: фелдшер касалхонага ўзидан-ўзи келиб колган эмас, уни земство махкамаси раисиникида энага бўлиб юрган холаси далолат килган эди (бу муътабар холаси даволаниш учун келиб, касалхонада ўзини худди уйидагидай тутиши, яна навбатсиз қабул килинишини талаб этиши алам килади). Фелдшернинг интизоми бузук, билими кам, билган нарсасини хам бутунлай тушунмайди. У доим маст, кўрс, кўли эгри, касаллардан пора олади, касалхона дориларини ўгринча сотиб юради. Яна шуниси хам хаммага маълумки, унинг ўзи касалларни бокади ва мешчан ёшларининг махфий касалларини даволайди, бунинг устига ўзи топган аллакандай дориларни ишлатади. Бу шунчаки муттахам бўлса майлиди, унакалар кўп, бироқ бу ўзига ишонган ва зимдан кемирадиган муттахамлардан. У, катнаб даволанадиган касалларга доктордан яширинча банка кўяди, уларга кон куяди, оператсияга кўлини ювмасдан келади, яраларни хамиша ифлос зонд\*\* билан кавлайди, докторлик медитсинасидан, илмидан ва эътибор талаблигидан каттик ва таптортмай нафратланаётганини тушуниш учун шунинг ўзи кифоя.

Доктор бармоқларининг калтироги босилгунча кутиб турди-да, кейин столга ўтириб, махкама раисига хат ёзди: «Хурматли Лев Трофимович! Агарда мазкур хатни олиш билан махкамангиз фелдшер Смирновскийни бўшатиб ва менга ўз ёрдамчиларимни ўзим танлаш ҳуқуқини бермаса, унда мени бундан буён Н касалхонасининг врачлари деб хисобламаслигингизни (пушаймон килмайман, албатта) ва ўрнимга бошка киши топиш тўғрисида гамхўрлик килишингизни сўрашга мажбурман. Любов Федоровна ва Юсга мендан салом. Хурмат билан Г. Овчинников». Доктор бу хатни ўкиб чиқиб, уни жуда киска ва бўш ёзилган деб топди. Бунинг устига, ишга тааллуқли, расмий хатда Любов Федоровна ва Юсга (раиснинг кичик ўглини шундай деб эркалатишарди) салом айтиш мутлако ўринсиз эди.

«Бу ерда Юсга бало борми?» деб кўйди ичида доктор ва хатни майда-майда килиб ташлаб, яна кайтадан бош котириб колди. — «Мухтарам жаноб...» деб ўйлади очик дераза олдида ўтириб ташкарига караркан; шу чок ташкарида бир тўда ўрдаклар болаларини эргаштириб лапанглашиб ва кокила-сукила ховуз томонга югуришаётган эди; битта ўрдак боласи йўлда аллакандай бир ичакни топиб олди-да, ютолмай, каттик чийиллаб юборди; кейин бошкаси югуриб бориб, унинг огзидаги ичакни тортиб олди, у хам ютолмади... Ху нарида, девор олдида, ёш липа дарахтлари олачалпак соя ташлаб турган ўтлокда ошпаз хотин Даря имирсиб юриб, шўрвага солиш учун шовил термоқда... Хар хил овозлар эшитиларди... Кўлида юганчасини ушлаб турган извошчи Зот билан кир фартук кийиб олган касалхона хизматчиси Мануйло иккаласи сарой олдида туриб, бир нарсаларни гаплашиб кулишарди.

«Улар фелдшерни урганим тўгрисида гаплашяпти... — деб ўйлади доктор. — Бу жанжални шу бугунок бутун уезд биладиган бўлди... Шундай килиб: «Мухтарам жаноб! Агар сизнинг махкамангиз фелдшер Смирновскийни...»

Докторнинг шунга ишончи комил эдики, махкама ҳеч қачон уни фелдшерга алишмайди ва бутун уездда битта фелдшер қолмаган тақдирда ҳам Овчинниковдай эътиборли одамдан ажралишга рози бўлмайди. Эҳтимол, Лев Трофимович бу хатни олиши билан уч отлик извошга ўтиради-ю, гириллаб докторнинг олдига келади-да, айтади: — Эй отахон, нималар деяпсиз? Ўзи нима гап, азизим? Худо хайрингизни берсин! Хўш? Бу қандай бўлди? Кани у? Фирибгарни бу ёкка келтиринг! Хайданг! Албатта хайдаб юборинг! У ифлоснинг эртагаёк бу ерда нишони кўринмасин!» — кейин у доктор билан бирга обед келади, обеддан кейин эса манави малина ранг диванда чалканча ётади, юзини газета билан бекитиб, хуррак отади; уйқидан тургач, чой ичади-да, кейин докторни уйига олиб кетиб шу кеча олиб қолади. Нихоят, пировардида шундай бўладики, фелдшер ҳам касалхонада қолади, доктор ҳам истеъфо бермайди.

Доктор эса кўнглида вокианинг бундай тамом бўлишини истамасди. У, фелдшернинг холаси ютиб чиқишини ва шу билан махкама, унинг саккиз йиллик ҳалол хизматига ҳам қарамасдан, сўзсиз ва хатто жон-дил билан истеъфосини қабул қилишини истарди. У, ўзи ўрганиб қолган касалхонасидан қандай кетишини, «Врач» газетасига хат ёзишини, уни ўқиб ўртоклари ачиниб қандай номалар ёзишини ўйлаб кетди...

Йўлда Русалка кўриниб қолди. У бедана юриш билан кўйлақларни шилдиратиб, ойна олдига келди-да, сўради:

— Григорий Иванович, касалларни ўзингиз қабул қиласизми, ёки ўзлари қабул қилишаверсинми?

Кизнинг кўзлари гўё: «Сен кизишиб кетган эдинг, лекин энди ўзингга келдинг, мана ҳозир уялиб ўтирибсан, аммо мен мардлик қилиб бунга парво қилаётганим йўк» деяётгандай эди.

— Яхши, мен ҳозир бораман, — деди доктор.

У яна фартугини кийди, белини сочик билан боғлади-да, касалхонага жўнади.

«Уни ургандан кейин, чиқиб кетганим ёмон бўлди... — деб ўйлади доктор, йўл-йўлақай.

— Худди мен изза бўлгандай, ёки кўркқандай бўлиб чиқди... Ёш боладай бўлиб қолдим... Жуда ноқулай бўлди-да!»

Докторнинг назарида палатага кирганда касаллар унга қарашга хижолат тортади-ю, ўзи ҳам уялиб кетадигандай туйилди; лекин у касалхонага кирганда касаллар кроватларида жимгина ётишаверди, унга унча эътибор ҳам беришмади. Сил бўлиб ётган Герасимнинг юзида бутунлай бепарволик акс этар ва гўё: «У сени оёқ ости қилолмади, сал эс-хушига келтириб қўйдинг... Бусиз иложи йўк, азизим» деяётгандай бўларди.

Доктор, кип-кизил бўртиб ётган кўлнинг икки еридан йиринг топди-да, унга повязка қўйди, кейин хотин-қизлар бўлимига борди, у ерда бир хотиннинг кўзини оператсия қилди, Русалка докторга эргашиб юриб, гўё орада ҳеч нарса ўтмагандай, бемалол унга ёрдамлашиб тураверди. Обходдан сўнг катнаб боқизадиган касалларни қабул қилиш бошланди. Докторнинг қичкинагина қабулхонасида деразалар ланг очик эди. Дераза тоқчасига ўтириб, хиёл эгилиб қараса, бир оз наридаги кўм-кўк майсани кўриш мумкин эди. Кеча кечқурун момоқалдирик билан каттик жала қуйгани учун ўтлар бир оз эгилиб, ялтираб турарди. Хиёл нарироқда сойга борадиган сўкмок йўл худди ювилгандай ва икки томонида сочилиб ётган синик-мертик дори шишалари ҳам худди ювилгандай, қуёш нурида товланиб, кўзни камаштиргудай ялтираб ётарди Сўкмок йўлнинг нарироғида кўк

либосга ўралган ёш арчалар тизилишиб кетган, ундан нарида таналари коғоздай оппок кайинлар турибди, шамолдан енгилгина силкиниб турган кўм-кўк кайин шохлари орасида эса бепоён мовий осмон кўриниб туради. Караб турсанг, сўкмок йўлда дикиллаб юрган чугурчуклар гоҳ ойна томонга тумшугини буриб: кўрксамикан ё йўкми? деб ўйлаб колишар ва кўркиб, бирин-кетин чуғуллашиб, худди доктор учолмаётгани учун уни юпатаётгандай тепасидан ўтиб, ок кайинларнинг учига чикиб кетишарди... Иодоформнинг аччик иси орасидан бахорнинг соф ва хушбўй хиди сезилиб турарди... Хаво қандай яхши! Нафас олиш енгил.

— Анна Спиридонова! — деб чакирди доктор. Кабулхонага кизил кўйлакли ёшгина жувон кирди-да, иконага караб чўкиниб кўйди.

— Каерингиз огрийди? — деб сўради доктор. Жувон бир оз хадиксираб, ўзи кириб келган эшикка кўз кирини ташлаб кўйди-да, кейин аптекага чикадиган эшик олди, докторга якинрок келиб туриб:

— Бўйимда бўлмапти! — деб шивирлади.

— Яна ким ёзилмай колди? — деб кичкирди аптекадан Русалка. — Келиб ёзилинглар!

Доктор жувонни кўраётиб ўйлар эди: «у шунинг учун ҳам хайвонки, умрида биринчи марта мени мушт уришга мажбур килди. Мен онадан тугилиб уришмаган эдим».

Анна Спиридонова кетди. Ундан кейин бемаъни бир касал билан огриган чол, сўнгра кўтир бўлган бир хотин уч боласи билан кириб келди, иш бошдан ошиб кетди. Фелдшер мутлако кўринмади. Эшик оркасидаги аптекада кўйлагини шилдиратиб ва идишларни жаранглатиб, бидир-бидир килиб Русалка юрарди; у оператсияга карашаётганда ҳам, ретсепт олиш учуи кабулхонага кириб колганда ҳам, ўзини ишлар жойида дегандай тутарди.

«Мен фелдшерни урганимга у жуда хурсанд бўлса керак, — деб ўйлади доктор, акушерканинг овозига кулок солиб. — Ахир фелдшер иккаласи ит-мушук эди-да, агар уни бўшатиб юборишса, Русалкага байрам бўлади. Касал боқувчи аёллар ҳам, хурсандга ўхшайди... Ўзи ҳам жуда расво одам-да!»

Кабул маросимининг энг кизгин пайтида докторнинг назарида акушерка ҳам, касал боқувчи аёллар ҳам, хатто касаллар ҳам ўзларини жўрттага бепарволикка солиб, кувнок кўрсатишга урунаётгандай эди. Улар гўё докторнинг хижолат тортаётганини билардилар, аммо сиполик килиб ўзларини билмасликка солардилар. Доктор ҳам ўзини мутлако хижолат тортаётган килиб кўрсатмокчи бўлиб, жахл билан кичкириб:

— Хой, ким бор! Эшикни ёпинг, уй гуриллаб кетди! — деди.

Аслида доктор хижолат тортар ва кийналар эди. У, кирк бешта касални кабул килиб, касалхонадан аста-секин чикди. Акушерка бу орада уйга бориб, лола ранг рўмолчасини елкасига солиб, огзида папирос, пахмок сочига гул такиб шоша-пиша каёккадир жўнамокда эди; практикага ёки мехмонга бораётган бўлса керак. Касалхона остонасида касаллар ўзларини офтобга солиб, жимгина ўтиришарди. Чугурчиклар боягидай чуғурлашиб, кўнгилларни кувиб юришарди. Доктор атрофга караб ўйлаб колди: мана шу бир зайил, тинчгина хаётда фелдшер билан унинг хаёти, худди фортопянода бузилиб колган иккита клавишдай ажралиб, ҳеч нарсага ярксиз кўринар эди. Фелдшер ҳозир ухлагани ётгандир, лекин ўзининг айбдорлиги, тахкир этилганлиги ва иш жойидан маҳрум килинганини ўйлайвериб, уйкиси келмаётган бўлса керак. У кийин ахволда. Ахир, илгари ҳеч кимга кўл текизмаган доктор ҳозир ўзини назокатдан бутунлай маҳрум бўлгандай сезмокда-ку. Энди у ҳозир фелдшерни айблаётгани ва ўзини оклаётгани йўк, факат хайрон қолапти: ўзи канака иш бўлди бу. Умрида бирорта итни ҳам урмаган,

туппа-тузук одам фелдшерни урса-я! Ўз квартирасига келгач, кабинетга кириб, диванга ётди-да, суянчигига ўгирилиб олиб, ўйлаб кетди:

«У-ку, мазаси йўк, ишга зарар берадиган одам; у ишлаётгандан буён ўтган уч йил мобайнида роса коним кайнади, лекин бари бир менинг килмишларимни ҳеч нарса билан оклаб бўлмайди. Мен кучли одам ҳукукидан фойдаландим. У менга карашли одам, гунохкор ва бунинг устига маст, мен бўлсам, унинг бошлиги, хакли ва хушёрман... Демак мен кучлирокман. Иккинчидан, мен уни, ўзимни эътиборли деб ҳисоблайдиган одамлар олдида урдим ва шундай килиб, мен уларга энг ярамас килигимни кўрсатдим...»  
Докторни обедга чакиришди... У шчидан бир неча кошик ичди-да, ўрнидан туриб, яна диванга ётди.

«Энди нима килиш керак? — деб ўйлади яна у. — Уни иложи борича тезрок кўнглини олиш керак... Бирок қандай йўл билан? Тадбирли одам бўлгани учун дуелни у ахмоқлик деб билади ёки тушунмайди. Борди-ю, анави, ўша палатанинг ўзида касал боқувчи аёллар ва беморлар олдида афв сўрасам, бу нарса уни эмас, факат ўзимни каноатлантиради, у ярамас одам менинг афв сўрашимни устимдан бошлиқларга шикоят килмасин деб кўрқяпти, деб тушунади. Бунинг устига менинг афв сўрашим, пировардида касалхона интизомини бўшаштириб юборади. Унга пул таклиф килиб кўрсаммикан? Йўк, бу ахлоқсизлик бўлади ва порага ўхшаб қолади. Агар, хозир, айтайлик, масалани ҳал килиш учун ўзимизнинг бевосита бошлигимизга, яъни махкамага мурожаат килсак-чи... Махкама менга виговор бериши, ёки ишдан бўшатиб юбориши мумкин... Бирок у бундай килмайди. Ҳа, ундан кейин, касалхонадаги хусусий ишларга махкаманинг аралашиб юриши унча келишмайди ҳам, дарвоқи, бунга ҳеч қандай ҳақи ҳам йўк-да, ахир...»

Обеддан сўнг уч соатдан кейин доктор чўмилгани ховузга кета туриб ўйлади:

«Шунақангги ахволлар рўй бериб қолганда бошқа одамлар нима килса, мен ҳам шундай килаверсам-чи? Яъни, майли у мени судга берсин. Мен сўзсиз айбдорман, ўзимни оклаб ҳам ўтирмайман ва судя мени камокка ҳукм қилади. Шундай килиб, таҳқирланган одам каноатланади ва мени эътиборли деб билган кишилар олдида мен ҳақсиз бўлиб чиқаман».

Мана шу гоё унга маъкул тушди. У хурсанд бўлиб кетди ва гўё ҳамма иш жойида, масала ҳал бўлди, сўнгра масаланинг бундан кўра адолатлирок ҳал бўлиши мумкин эмас, деб ўйлади.

«Хўш, жуда соз-да! — деб ўйлади доктор сувга тушаётиб ва ундан чўчиб гала-гала қочаётган майда тилла товон балиқларни томоша килиб туриб. — Берса бераверсин... Кайтага унга шуниси қулай, чунки бизнинг хизмат муносабатимиз аллақачон узилиб бўлди ва шунча жанжалдан кейин, бари бир, иккаламиздан биримиз касалхонадан жўнашимиз керак...»

Кечкурун доктор харбий бошлиқ олдида бориб карта ўйнаб келиш учун арава кўшишга буйруқ берди.

У палтосини, шляпасини кийиб, йўлга бутунлай тахт бўлган ва кабинет ўртасида туриб кўлқопини қияётган эди, кўча эшик гийк этиб очилди-да, кимдир секингина дахлизга кирди.

— Ким бу? — деб сўради доктор.

— Менман... — деб секин жавоб берди кирган одам. Докторнинг бирдан юраги дуқиллаб, уялганидан ва аллақандай тушуниб бўлмайдиган кўркувдан унинг этлари увишиб кетди. Фелдшер Михаил Захарич (келган киши шу эди) секингина йўталиб кўйди-да, кўрка-пуса кабинетга кирди. Бир оз жим тургандан сўнг у, айбдор кишидай

паст овоз билан деди:

— Мени кечиринг, Григорий Иванович!

Доктор саросимага тушиб, нима дейишини билмай колди. Фелдшер христианларга хос бўйсуниб билан хакорат килувчини яксон этиш максадида оёгига бош уриб афв сўрагани келмаганини доктор билди. Фелдшер: «Ўзимни босиб туриб, афв сўрайман, шояд мени хайдаб, еб турган нонимдан махрум этмаса...» деб келган эди. Инсон кадри-киммати учун бундан кўра хакоратлирок нарса борми?

— Кечиринг... — деб такрорлади фелдшер.

— Менга каранг... — деб гап бошлади доктор, унга карамасликка тиришиб ва ҳамон нима дейишини билмасдан. — Менга каранг... мен сизни хакорат килдим, бунинг учун... бунинг учун жазоимни тортишим, яъни сизни каноатлантиришим керак... Дуелни сиз инobatга олмайсиз... Рост, буни мен ўзим ҳам инobatга олмайман. Мен сизни хакоратладим, энди сиз... менинг устимдан судяга шикоят килишингиз мумкин ва жазоимни тортаман... Бу ерда иккимизнинг қолишимиз мумкин эмас... Иккимиздан биримиз, кетишимиз керак! («Ё тавба! Мен унга бунака демокчимасдим-ку! — хавфсираб кетди доктор. — Тентаклик бу, тентаклик!») Хуллас, арзнома беринг! Энди биз бундан буён бирга ишлай олмаймиз!.. Ё мен турай ё сиз... Эртагаёк беринг!

Фелдшер докторга хўмрайиб караган эди, унинг коп-кора, хира кўзларида зўр нафрат ифодаси чакнаб кетди. У хамиша докторни сўзда бор-у, ишда йўк, инжик бир ёш бола деб хисобларди, хозир эса унинг титраб-какшаши ва пойинтар-сойинтар гапиришлари фелдшернинг нафратини кўзгатиб юборди...

— Бераманам-да, — деди у жахл билан ковогини солиб.

— Ха, беринг-да!

— Хўш, сиз нима деб ўйловдингиз? Бермайди дебми? Бераманам-да... Сизнинг уришга хакингиз йўк. Бундай уялсангиз ҳам гўрга эди-я! Одатда факат маст мужикларгина муштлашади, сиз маълумотли одамсиз-а, яна...

Докторнинг калбидаги бутун газаби тўсатдан оловланиб кетди-ю, бирдан бакириб юборди:

— Жўнанг, бу ердан!

— Фелдшер турган жойидан истар-истамас кўзгалди (у худди яна бирор нима демокчига ўхшарди), дахлизга чикиб кетди-да, ўша ерда хаёл суриб колди. Кейин, алланимани ўйлаб бўлгач, кескин кадам билан чикиб кетди...

— Кандай тентаклик, кандай тентаклик-а! — деб гўлдиради доктор у кетиши билан. — Хаммаси тентаклик ва бемаънигарчилик!

У хозир фелдшерга худди ёш болаларча муомала килганлигини сезди ва шуни ҳам тушуниб колдики, унинг суд хакидаги ўйлаганлари масалани хал килиш эмас, кайта чигаллаштириб юборди.

«Кандай тентаклик килдим-а! — деб ўйлади у шарабанга чикаётиб ва ундан кейин харбий бошлик билан карта ўйнаб туриб. — Нахотки мен шу кадар кам маълумотли бўлсам ва хаётни шу кадар кам билсам, мана шу оддийгина бир масалани хал килишга ҳам курбим етмаса? Хўш, нима килиш керак?»

Эртасига эрталаб доктор, фелдшернинг хотини каёккадир бормокчи бўлиб, аравага чикаётганини кўриб колди-да: «Ана, холажонларига кетяптилар. Бораверсин!» деди ичида.

Касалхона фелдшерсиз обход килинди. Махкамага ариза ёзиш керак эди-ю, лекин доктор хатнинг формасини хали ҳам ўйлаб ололмаган эди. Эндиги хатнинг мазмунидан:

«Гарчи, айбдор у эмас, мен бўлсам ҳам, фелдшерни бўшатиб юборишингизни сўрайман» деган маъно чиқиши керак. Ахир дурустгина одамни уятга қолдирмай бу мазмунни баён қилишнинг иложи йўқ-ку.

Орадан икки-уч кун ўтгач, фелдшернинг Лев Трофимович олдига бориб шикоят қилгани тўғрисида докторга хабар беришди. Раис уни бир оғиз ҳам гапиртирмасдан, депсиниб: «Мен сени билман! Йўқол! Гапингни ҳам эшитмайман!» деб сўқиб чиқариб юборибди. Фелдшер Лев Трофимовичнинг олдидан чиқиб тўғри махкамага боради, ва у ерда тарсаки егани тўғрисида мик этмасдан ҳамда ҳеч нарса сўрамасдан туриб, доктор менинг хузуримда махкамани ва раисни бир неча бор сўқди, касалларга ҳам яхши қарамайди, участкаларга борганда ҳам чалакам-чатти иш қилади ва хоказо деб, игво таркатади. Буларни эшитгандан кейин доктор қулиб юборди ва «Оббо ахмок-ей!» деб қўйди ичида. Доктор ҳам хижолат тортар, ҳам фелдшернинг тентақлигига ачинар эди; киши ўзини муҳофаза қилиш учун қанча кўп бемаънигарчилик қилса, шунча ночор ва заифлигини кўрсатади.

Роса уч ҳафтадан кейин эрталаб доктор суддан повестка олди.

«Бу энди ўтакетган бемаънигарчилик... — деб уйлади у повесткани олишга қўл қўя туриб. — Бундан кўра бемаънирок нарсани ўйлаб ҳам топиб бўлмайди».

У судга кетаётган қуни эрталаб ҳаво булут ва осойишта эди; доктор шу пайтда уялмади, унга алам қилди ва таъби жуда хира бўлди. У, ўзидан ҳам, фелдшердан ҳам, бутун вазиятдан ҳам диккат бўлиб...

«Судда тўппа-тўғри шундай дейман, — деди жигибийрони чиқиб, — бу ердан йўқолларинг, жин урсин сизларни! Хаммангиз эшаксизлар, ҳеч балога тушунмайсизлар!»

У, суд камераси олдига келганда остонада ўзида касал боқувчи хотинлардан утасини ва Русалкани кўрди, булар гувоҳ сифатида чакирилган эдилар. Хотинларни ва токати ток бўлганидан ҳадеб оёқларини чалиштириб турган акушеркани кўргач ва ҳатто акушерка бўлажак протсесснинг бош қахрамонини кўриш билан хузур қилиб қулиб юборгандан кейин, жаҳли чиқиб кетган доктор худди уларга киргидай чанг солиб: «Касалхонадан кетишга сизга қим руҳсат берди? Шу минутдаёқ жўнанг!» деб хаммасини доводиратиб қўймоқчи бўлди-ю, аммо ўзини босди; ўзини бамайлихотир қилиб кўрсатишга тиришиб, бир тўда одамлар орасидан ўтиб камерага кирди. Камера бўм-бўш ва суднинг занжири кресло суянчигида ётган эди. Доктор иш юритувчининг хонасига борди. У, бу ерда юзлари котма, коломенка пиджагининг чўнтақлари дўппайиб турган ёш йигитни кўрди, бу иш юритувчи эди; шу ерда фелдшер ҳам стол ёнида ўтириб, бекорчиликдан судланувчилар тўғрисидаги справкаларни варақлаб ўтирарди. Доктор қириши билан иш юритувчи ўрнидан турди; фелдшер ҳам хижолат тортиб, ўрнидан турди.

— Александр Архипович ҳали қилгани йўқми? — деб сўради доктор уялинкираб.

— Йўқ ҳали. Улар уйида... — деб жавоб берди иш юритувчи.

Камера судья кўргонидаги уйлардан бирига жойлашган бўлиб, судьянинг ўзи эса катта уйда турарди. Доктор камерадан чиқди-да, аста-секин уйга қараб йўл олди. У борганда Александр Архипович емакхонада самовар олдида турган эди. Судья сюртуксиз ва жилеткасиз қўйлақчан, кўкрак тугмачалари ечик, стол олдида иккала қўли билан чойнак ушлаб турган эди; ўзига бир стакан, худди кофега ўхшаган қуюқ чой қуйди; мехмонни кўриши билан у дарров олдига бошқа бир стаканни суриб олди-да, саломлашмасдан аввал чой қуйиб:

— Сизга қандлими ё қандсизми? — деб сўради. Судья бир вақтлар, бунга жуда кўп бўлди, кавалерияда хизмат қилган эди; ҳозирда у, кўп йиллик хизматлари тўғрисида ўз хоҳиши



билан хакикий гражданлик мансабларидан бирини эгаллаб олган, аммо хали ҳам ўзининг харбий мундирини, харбий урф-одатларини ташламаган. Унинг мўйлови ҳам политемейстерларники сингари узун, шими бахияли ва киликлари, гап-сўзлари харбийча эди. У бошини сал оркага ташлаб нуткини генералларга хос «мнеее...» деган ибора билан тўлдириб, елкасини учириб, кўзларини ўйнатиб гапирарди. Салом-алик килганда ёки бировга папирос тутганда товонларини тапиллатиб кўярди, юриб кетаётган пайтда эса, шпорларини шундай нозик шикирлатиб юрардики, шпорнинг хар бир овозидан гўё унинг бирор жойи каттик огриётгандай туйиларди. Докторни чойга таклиф этиб ўткизгандан кейин, у ўзининг чорпахил кўкраги ва корнини бир силаб олди-да, чукур бир нафас олиб, деди:

— Кани, хўш... Эхтимол, ўзларининг кўнгиллари арак ичиб, закуска килишни тусаб тургандир? Мене-е?

— Йўк, рахмат, корним тўк.

Хар иккаласи ҳам касалхонадаги жанжал тўгрисида гап очмасликнинг иложи йўклигини сезиб туришар ва иккаласи ҳам нокулай ахволда колган эди. Доктор жим бўлиб колди. Судя кўлларини назокат билан кулочкашлаб, кўкрагини чакиб турган пашшани тутди, унга хар томондан диккат билан каради ва кўйиб юборди, кейин чукур нафас олиб докторга каради-да, дона-дона килиб гапирди:

— Менга каранг, нима учун сиз уни хайдаб юбормайсиз?

Доктор унинг овозида ачиниш охангини туйди; бирдан ўзига рахми келиб кетди, ва сўнгра шу хафтада бошига тушган мушкilotдан эзилиб тинка-мадори куриганини сезди. Нихоят токати-ток бўлиб, юраги ёрилгудай, столдан иргиб турди-ю, титраб-какшаб, юзларини буриштириб, елкаларини кисиб, гапира кетди:

— Хайдаб юбориш! Сизлар нима деб ўйлайсизлар ўзи, худо хаки... жуда галатисизлар-да! Ахир, хаддим борми уни хайдашга? Сизлар бу ерда ўтириб, мени касалхонада ўзи хон, кўланкаси майдон-у, кўнгилга нима келса шуни килади, деб ўйлайсизлар-да! Жуда галатисизлар-а! Унинг холаси Лев Трофимовичникида бола боксин ва Лев Трофимовичга Захарич сингари писмик малайлар зарур бўлиб турсин-да, яна уни хайдаб юборишга хаддим борми? Земство биз — врачларни сарик чакага олмай, хар кадамда оёк ости килиб тургандан кейин, менинг кўлимдан нима келади? Жин урсин хаммасиниям, энди мен ишламайман, мана бўлган тургани шу! Ишламайман!

— Йў, йў, йў... Сиз, жоним, жуда вахима кияпсиз, ундай деганда...

— Бошлигингиз жон-жахди билан бизнинг хаммамизни ниглистлар деб исботлашга уринади, жосуслик килади ва биздан худди ўз котибидай хизмат килишни талаб этади. Мен йўк пайтимда касалхонага келиб, у ерда беморлар ва касал бокувчи хотинларни сўрок килишга қандай хаки бор? Ахир, бу хакоратлаш эмасми? Хўш, анави телба Семён Алексеичингиз-чи, ўзи доим гердайиб юради. Корни тўк ва хўкиздай бакувват бўлгани учун медитсинага мутлако ишонмайди, яна хаммага эшиттириб, кўз олдимизда бизни текинхўр деб, таъна килади, бир бурда нонни раво кўрмайди! Ха, жин урсин уни! Мен эрталабдан кечгача ишлайман, дам олиш деган нарсани билмайман, хамма телба-тезик, такводор, ислохчилар ва шу сингари масхарабозлардан кўра бу ерда мен заруррокман, ахир! Мен иш деб соглигимдан ажралдим, лекин мёндан миннатдорчилик килиш ўрнига, бир бурда нонни таъна килишади! Сизга ташаккурларимни изхор этаман! Яна хар ким бировларнинг ишига тумшугини сукишга, насихатгўйлик ва назорат килишга ўзини хакли деб хисоблайди! Анави, сизнинг махкамангизнинг аъзоси Камчатский бўлса, Земство мажлисида, бизда калий аралашмасининг кўп ишлатиб кўйилганлиги учун врачларга

танбех берди ва бизга бундан буён кокаинни эҳтиёт килиб ишлатишни тавсия килди! Унинг ўзи нимани билади, кани мен сиздан сўрайчи? Унинг нима иши бор? Нега у сизларга суд килишни ўргатмайди?

— Бе... ахир у безбет хушомадгўй одам-да, жонигинам... Унга парво килишнинг кераги йўк...

— Хўп, безбет, хушомадгўй одам, лекин сизлар бу вагвагни аъзоликка сайлагансиз ва унга хамма ёкка тумшук сукишга йўл бериб кўйгансиз-да! Сиз бўлсангиз, илжасиз! Сизнингча буларнинг хаммаси майда-чуйда, арзимаган нарсалар, лекин, ўйлаб кўринг, ахир, бунакангги майда-чуйдалар шу қадар кўпки, худди шагаллар йигилиб тоғ бўлгандай бутун хаёт хам мана шу майда-чуйдалардан ташкил топган! Энди чидай олмайман! Мадорим қуриди, Александр Архипич! Яна бир оз турсам шу ерда, сизни ишонтириб айтаманки, огзи-бурнига тушириш эмас, хатто бирортасини отиб кўяман! Сиз тушунинг, ахир, менинг асабларим, симдан эмас, мен хам худди сизга ўхшаган одамман... Докторнинг кўзларига жикка ёш тўлиб, овози хам титраб кетди; у тескари ўгирилиб, деразага караб олди. Орага жимлик чўкди.

— Ха, хм, мухтарам... — гўлдиради судья тараддудланиб. — Иккинчи томондан, агар бундай вазминлик билан ўйлаб каралса унда... (судья чивин тутиб, кўзларини кисиб, унга хар томондан каради-да, эзиб, чайинди идишга ташлади)... Унда, биласизми, фелдшерни хайдашдан хам маъни чикмайди. Хайдаб юборинг-чи, бари бир ўрнига яна битта шунакаси, балки ундан бадтарроги ўтириб олади. Юзта одамни алмаштиргангиз билан яхшисини тополмайсиз... Хаммаси аблах (судья кўлтиги тагига караб кўйиб, секин папирос чека бошлади). Бу ёвуз билан муроса килиш керак. Мен сизга айтиб кўйишим керакки, хозирги замонда сиз ишонишингиз мумкин бўлган софдил, идрокли одамни факат зиёлилар ва мужиклар орасидан, яъни масалан факат шу икки катлам орасидангина топишингиз мумкин. Сиз, айтайлик, покиза врачни, олижаноб педагогни, покиза кўшчи ёки темирчини топа оласиз, бироқ ўрта даражадаги одамлар, яъни шундай деб таърифлаш жоиз бўлса, халк ичидан чикиб ва хали зиёлиларгача бориб етмаган кишилар ишончсизлик элементларини хосил килади. Шунинг учун хам софдил ва идрокли фелдшер, котиб, гумашта ва шу кабиларни топиш гоят огир. Фавкулудда огир! Мен Горох шохи замонидан буён адлия сохасида хизмат киламан ва бутун хизматим мобайнида, гарчи сон-саноксиз котибларни хайдаб юборган бўлсам-да, бирорта софдил ва идрокли котибни кўрганим йўк. Халқда ахлок интизоми йўк, принтсип ха-а-а-кида гапирмаёк кўяколайлик, мен сизга айтсам...

«Нега буларни гапирди? — деб ўйлаб колди доктор. — Биз у билан керакли нарсани гаплашаётганимиз йўк-ку».

— Мана узокка бормайлик, ўтган жумада, — деб сўзида давом этди судья, — менинг Дюжинскийим, ўзингиз тасаввур этинг, шундай бир килик килипти. Кечкурун олдига аллакандай пиянисталарни чакирипти, ким билади дейсиз, улар ким экан, туниминам ўшалар билан камерада ичкиликбозлик килиб чикипти. Хушингизга келадими? Мен-ку, ичкиликка хеч карши эмасман-а. Жин урсин сени, ичсанг ичавер, аммо нега номаълум кишиларии камерага киритасан? Ахир, ўзингиз ўйланг, ишлардан бирорта хужжатни, вексел ва шу сингари когозларни бирпасда ўгирлаб кўйиш мумкин! Бунга нима дейсан? Ўша айши-ишратдан кейин мен, бирор нарса йўқолиб колмадими деб икки кунгача хамма ишни кўздан кечириб чикдим... Хўш, бу аблахларни нима килардингиз? Хайдашми? Яхши — хм... Яна бошкаси бундан баттар бўлмайди деб, кандай ишонтира оласиз?

— Рост, уни кандай килиб хайдайман? — деди доктор. — Одамни хайдаш факат гапда

онсон... Мен унинг бола-чакалилигини, оч-ялангочлигини билиб турганимдан кейин, кандай хайдаб, бир бурда нондан бенасиб киламан? Бола-чакаси билан у каёкка боради?

«Ие, нима бало бўлди, ўзи, мунака демокчимасдим-ку!» деб ўйлаб колди у, ўз хаёлини бирор аник фикр ёки бирор хиссиёт устида жамлай олмайганига хайрон бўлади.

«Бунинг сабаби шуки, мен пухта эмасман ва фикрлашни билмайман» деб кўйди ичида. — Ўрта даражадаги одамга, халиги сиз айтгандай ишониб бўлмайди, — деб давом этди.

— Биз уни хайдаймиз, сўкамиз, афти-башарасига караб урамиз, аммо лекин, унинг ахволига ҳам караш керак-да, ахир. У на мужик, на барин, бир дардисар; унинг ўтмиши расво, хозирда эса ойига факат йигирма беш сўм олади, бола-чакаси оч ва бировга карам, келажакда ҳам уники яна ўша йигирма беш сўм пул-у, бировга боқим, юз йил хизмат килганда ҳам ахволи шу-да. Унда на маълумот бор ва на мол-мулк; ўқишга ва черковга боришга вақти йўқ, биздан ҳеч нарса эшитмайди, чунки биз уни яқинимизга йўлатмаймиз. Шундай қилиб у, ўла-ўлгунча дурустрок бир турмушдан умид килмай, чала-ярим овқат ёб, «мана хозир давлат квартирасидан хайдаб юборади» деб кўрқиб, бола-чакасини каерга қўйишини билмай юраверади. Шундан кейин айтинг-чи, қалай пиянисталик, ўғирлик килмасин? Бу ерда принтсипга ўрин қолдими, энди!

«Биз, чамаси, ижтимоий масалаларни ҳал қилишга ўтиб кетдик, шекилли, — деб ўйлади у. — Жуда четга чиқиб кетдик, тавба! Булар нимага керак ўзи?»

Шу орада жаранг-журунг овоз эшитилиб қолди. Кимдир извош билан ховлига кирди, олдин камера олдига борди, кейин катта уйга қираверишдаги зина ёнига келди.

— Ўзи келди, — деди судья, деразадан караб. — Ана энди таъзирингизни беради!

— А, сиз, марҳамат қилиб, мени тезрок жўнатинг... — илтимос қилди доктор. — Агар иложи бўлса, менинг ишимни бенавбат кўрсангиз. Худо хаки, вақтим йўқ.

— Яхши-яхши... Факат, хали ўзим билмайман, таксир, бу ишни мен суд қилиб ўтиришим керакмикан. Фелдшер билан сизнинг муносабатингиз, айтайлик, хизмат юзасидан бўлган, бунинг устига сиз уни хизмат вазифасини ўтаётган пайтда тузлагансиз. Аммо дурустгина билмайман ҳам. Хозир Лев Трофимовичдан сўраймиз.

Шоша-пиша келётган қадам товуши ва оғир харсиллаган овоз эшитилди ва шу он эшиқдан раис — соч-соқоли оппок, тепакал, соқоллари узун ва ковоклари кип-қизил Лев Трофимович кўриниб қолди.

— Салом бердик... — деди у харсиллаб туриб. Уф, тавба! Мухтарам судья, менга квас беринг! Ўлганим яхши...

У креслога ўзини ташлади, лекин шу захоти дарров ирғиб туриб, докторнинг олдига борди ва жаҳл билан унга ўқрайиб, чийилдок овоз билан гапира кетди:

— Сиздан жуда ва бенихоят миннатдорман. Григорий Иванич! Худо хаки ҳеч қачон унутмайман! Дўст киши бундай қилмайди! Кўнглингизга келмасин-у, лекин сизнинг томонингиздан хатто инсофсизлик қилинган! Нима сабабдан сиз менга маълум қилмадингиз? Хўш, мен нима? Кимман, ахир? Душман ёки бегона одамми? Сизга душманманми? Бирон вақт сўзингизни ерда қолдирганмидим? А?

Раис кўзларини олайтириб ва бармоқларини силқиб, квас ичди-да, дарров лабларини артиб, давом этди:

— Гоят, гоят миннатдорман сиздан! Нима сабабдан менга маълум қилмадингиз? Агарда сизда менга нисбатан киттак кўнгил бўлганда, олдимга келиб, дўстларча: — «Жонгинам, Лев Трофимович, шундай, шундай вассалом... Ана шундай ходиса рўй бериб қолди ва хоказо...» дердингиз. Мен сизга бир зумда ҳаммасини тўғрилаб берган бўлардим ва

бундай жанжалга ўрин ҳам колмас эди... Анави ахмок, худди девонадай бутун уездда сандироклаб, гийбат килиб, хотинлар орасида чакимчилик килиб юрипти; сиз бўлсангиз шарманда бўлиб, кўнглигизга келмасин-у, ким билади нима балоларни кўзгаб юрибсиз, судга беришга ўша ахмокни мажбур килгансиз! Шармандалик, гирт шармандалик! Хамма мендан нима гап ўзи, нима асти, деб сўрайди, хўш, мен-чи, раисман, аммо у ёкда нималар бўляпти, ҳеч нарса билмайман, менинг сизга асло керагим ҳам йўк-да! Гоят, гоят миннатдорман сиздан, Григорий Иванич!

Раис шундай паст эгилиб таъзим килдики, хатто аъзойи-бадани кип-кизариб кетди, кейин деразага келиб бакирди:

— Жигалов, Михаил Захарични бу ёкка чакир! Айт, шу топдаёк келсин! Яхши эмас-с! — деди у, деразадан нари бориб. — Хатто менинг хотиним ҳам ранжиди, хўш, нима сабабдан, чамаси, сизга мурувват килса керак-да! Сиз, афандим, жуда билармонлик килиб юборибсиз! Окилона бўлсин деб ҳар хил принтсиплар ва турли киликлар киласиз, лекин чалгитасиз, холос.

— Сиз нукул таваккал килаверасиз, хўш нима чикяпти? — деб сўради доктор.

— Нима чикяптими? Шу нарса чикяптики, агар мен ҳозир бу ёкка келмаганимда, сиз ўзингизни ҳам шарманда килардингиз, бизни ҳам... бахтингизга мен келиб колдим! Фелдшер кириб, остонада тўхтади. Раис унга ёндамасига туриб, кўлларини чўнтагига тикиб олди-да, бир йўталиб, деди:

— Ҳозир доктордан узр сўра!

Доктор кип-кизариб, бошка уйга кириб кетди.

— Мана, кўрдингми, доктор сенинг узрингни қабул килгуси келмаяпти! — деб давом этди раис. — У сени, товбангни сўзда эмас, балки ишда кўрсатишингни истаяпти. Бугундан бошлаб итоат килишга ва доим хушёр бўлишга сўз берасанми?

— Бераман... — деб ковогини осилтириб тўнгиллади фелдшер.

— кўзингни оч! Худо кўрсатмасин! Бир мўйлов килсамми, жойдан ажраласан коласан!

Энди бирор гап бўлса, мендан яхшилик кутиб ўтирма... Кани, жўна уйингга...

Ишнинг бу йўсинда хал бўлиши ўз хўжаси билан ярашиб олган фелдшер учун ҳеч кутилмаган бахт бўлди. У севинганидан хатто ранги оқариб кетди. Фелдшер бирор нарса демокчи бўлиб, кўлини чўзди-ю, лекин ҳеч нарса демади, факат маъносизгина илжайиб чикиб кетди.

— Ана, иш тамом! — деди раис. — Энди ҳеч қандай суднинг ҳам кераги йўк.

У енгил тортиб нафас олди-да, шу топда худди жуда огир ва муҳим бир иш килиб юборгандай самовар ва стаканларга қараб кўйди ва кўлларини ишкалаб туриб деди:

— Худо халлок... Менга бир култум куй-чи, Саша. Ха, айтгандай, аввал закускага бирор нарса олиб келгин... Кейин, окидан...

— Бу мумкин эмас, жаноблар! — деди доктор ошхонага кираётиб; у ҳамон кизариб-бўртиб инжиклик килар эди. — Бу... бу комедия-ку! Бу кабиҳлик! Мен чидай олмайман! Масалани бунакангги маскарабозлик билан хал килгандан кўра йигирма марта судлашган яхши, йўк, мен чидай олмайман!

— Сизга нима керак, ахир? — деди раис унга гижиниб. — Хайдашми? Майли, хайдаб кўя қолай...

— Йўк, хайдаш эмас... Менга нима кераклигини ўзим ҳам билмайман, лекин, жаноблар, хаётга бундай муносабатда бўлиш... Эй, худойим-ей!

Докторнинг асаби кайнаб бесаранжом бўлиб колди, шляпасини кидирди, тополмади ва дармони куриб креслога ўзини ташлади.

— Кабихлик! — деб яна такрорлади у.

— Жонгинам, — деди пичирлаб судя, — баъзан сизга ҳам тушунолмаман, бундай караганда... Ахир бу ишда сиз айбдорсиз-ку! Ун тўққизинчи асрнинг охирида бировнинг башарасига караб тушириш — бу, мен сизга айтсам, нима десангиз деяверинг-ку, бўлмади-да... Тўгри, у аблах, биро-о-ок, хўп деяверинг, сиз ҳам эҳтиётсизлик килиб юборгансиз...

— Албатта-да! — деди раис.

Арак ва закуска келтиришди. Хайрлашув олдидан доктор ҳам беихтиёр бир рюмка ичиб юбориб, редиска билан закуска килди. У касалхонага кайтиб келган пайтда унинг фикрини худди куз эртасидаги майсадай туман коплаган эди.

«Нахотки, — деб ўйлади у, — сўнгги хафтада тортган шунча азоб-укубатлар, бош котиришлар ва айтилгач гаплар — окибат шу қадар бемаънигарчилик билан тугаса! Қандай тентаклик! Қандай тентаклик!»

У ўзининг шахсий масалаларига ёт кишиларни аралаштириб кўйгани учун уялди, бу кишиларга айтган гаплари ва одати бўйича ўйлаб ўтирмай арок ичиб юборгани учун уялди, ўзининг тушуниб етмаган, саёз аклидан хижолат тортди... У касалхонага келиши билан шу захоти обход кила бошлади. Ёнида фелдшер, худди мулойим мушукдай ийманиб, саволларга юмшок жавоб бериб юрарди... Фелдшер ҳам, Русалка ҳам, касал боқувчи аёллар ҳам ўзларини, гўё ҳеч нарса билмагандай ва ҳамма иш жойида дегандай бир киёфада тутар эдилар. Доктор ҳам кучининг борича ўзини бепарво килиб кўрсатишга урунарди. У буйрук берар, жахл килар, касаллар билан хазил-хузил гап килиб кўярди-ю, аммо миясидан:

— Тентаклик, тентаклик, тентаклик... — деган гап нари кетмас эди.

А.Алиев таржимаси